

Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш учун

№ 3 - сонли шартнома

Бухоро шаҳри

15 апрель 2022 йил

Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниясининг 2022 йил 13 апрелдаги № 15375-сонли йиғилиш баённомасига кўра «Когон туман Соргун МФЙ ҳудудидаги 7-мактаб филиалини реконструкция қилиш орқали 240 ўринли янги мактаб биносини ва 9x18 янги спорт зал қуриш» объекти лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни ўз зиммасига олади.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниясининг 2022 йил 13 апрелдаги № 15375-сонли йиғилиш баённомасига кўра «Когон туман Соргун МФЙ ҳудудидаги 7-мактаб филиалини реконструкция қилиш орқали 240 ўринли янги мактаб биносини ва 9x18 янги спорт зал қуриш» объекти лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун топшириқ бериш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш белгиланган тартибида амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини амалдаги тартиб-қоидалар ва меъёrlарга риоя этган ҳолда ишлаб чиқади.

1.4. Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари қўйидаги тартибида:

- бажариладиган ишлар муддатининг календар режаси 1-иловага мувофиқ;
- асослаштирилган келишув баённомаси 2- иловага мувофиқ;
- лойиҳа ишларини бажариш сметаси – 3 илова мувофиқ белгиланади.

Ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2. Бажарувчи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш.

2.3. Тайёр бўлган лойиҳа-смета амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равища қабул қилиб олишни таъминлаш мажбуриятини олади.

2.5. Бажарувчининг мажбуриятлари:

2.6. Бажарувчи ишларни техник топшириқ ва келишилган график асосида ўз вақтида сифатли бажаришни, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиш;

2.7. Объектнинг қурилиш-монтаж жараёнида муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари амалга ошириши шарт;

2.8. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир хафтадан ошмаган муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажариш мажбуриятини олади.

3. ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Қўйидаги шартларнинг тўлиқ амалга оширилганда тарафлар имзоланган шартнома мажбуриятларнинг бажарилиши бошланган ҳисобланади.

3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан 3 нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлар тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг руйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш бир-бирини хабардор қилиши ва 15 иш кунида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхталиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

3.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ.

4.1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси қўшимча қиймат солиги билан – **81 420 000** (Саксон бир миллион тўрт юз йигирма минг) сўмни ташкил этади.

4.2. «Буюртмачи» шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг 30 % миқдорида бўнак (аванс) тўловини амалга оширади. Колган 70% тўлов бажарилган ишларни тасдиқловчи хужжат (далолатнома)га асосан тўловни амалга оширилишини маълум қиласиз.

4.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади. Куйидаги ҳолларда:

-ишлар қиймати кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган яъни (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ва ишлар Буюртмачи томонидан ўзgartiriлганда.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тарафлар бажармаганда мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ШНК 1.03.01-08) мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

5.2. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини белгилangan тартибда тасдиқлангунга қадар жавоб беради. Лойиҳа-смета ҳужжатларida камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқади.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзgartiriшлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқсан ҳолларда, томонлар келишувига эришмаган тақдирда, қонунларда белгилangan тартибда ва иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳаки кечикирилган ҳар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида Бажарувчига пеня тўлайди, бироқ бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Бажарувчи томонидан смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7. Шартнома «Бажарувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилинганда, шартнома бекор қилингунга қадар бажарилган ишлар учун тўланган маблағ «Бажарувчи»га қайтарилмайди.

5.8. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш таклифини билдирилган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор қилиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳақиқатда амалга оширилган ишлар бўйича белгилangan ҳужжатлар асосида тўлиқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолда амалга оширилади.

Пеня тўлаш Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисобкитоблардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

5.9. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ҳужжатларига мувофик белгиланади.

6. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва ҳ.к. оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокоралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокоралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иқтисодий судида кўриб чиқилади.

7. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ.

7.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласи.

8. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҶАМЛАРИ

«БУЮРТМАЧИ»

«Бухоро вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи хизмат инжинириング компанияси»
Манзил: Бухоро шаҳри, Пр. Навои 5
тел. 223-63-23, 223-63-26
Х/р: 301821860064017092100075023
ИИН 201512962 ОКОНХ 69000 ОКЭД 70100
Бухоро вилоят Газначилик бошқармаси
Х/р: 23402000300100001010
Марказий банк Тошкент шаҳри
МФО 00014 ИИН 201122919

Компания раҳбари
(мухр, имзо)

Жаллиев Ф.Б.

Хукуқшунос:
Лицензия ЮК № 004364

Соибов Д.

Ш.Б.: _____ Хайитов Р.

«ИШ БАЖАРУВЧИ»

«Узжамоалойиха» МЧЖ
Манзил: Бухоро шаҳар,
Афросиёб кўчаси, 303
Тел: +99890 611-07-58
Х/с 20208000700491463001
Банк номи: АТИБ ИПОТЕКА БАНК
Бухоро шаҳри
МФО 00088 ИИН 201514667
ОКОНХ 66000

Директор _____ Б.Б. Негматиллаев
(мухр, имзо)

Хукуқшунос:
диплом _____ С. Вохидов

2022 йил 15 апрелдаги
№ 3 - сонли шартномага 1-илова

Бажариладиган ишларнинг календар
РЕЖАСИ

Объектнинг номланиши	Бажарыш муддати	
	Бошланиши	Тугаси
<p>«Когон туман Соргун МФЙ худудидаги 7-мактаб филиалини реконструкция қилиш орқали 240 ўринли янги мактаб биносини ва 9x18 янги спорт зал қуриш» обьекти лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни ўз зиммасига олади.</p>	15.04.2022 й.	25.04.2022 й.

«БУЮРТМАЧИ»

Бухоро вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи
хизмат инжиниринг компанияси

Ф.Жаллиев



«ИШ БАЖАРУВЧИ»

«Узжамоалойиха» МЧЖ

Б.Б. Негматиллаев



2022 йил 15 апрелдаги
№ 3 - сонли шартномага 2-илова

**Шартнома баҳосининг келишув
БАЁННОМАСИ**

Биз қуида имзо қўювчилар: «Коғон туман Соргун МФЙ худудидаги 7-мактаб филиалини реконструкция қилиш орқали 240 ўринли янги мактаб биносини ва 9x18 янги спорт зал қуриш» обьекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни ўз зиммасига олади.

Ишлаб чиқиш бўйича 2022 йил 15 апрелдаги № 3 - сонли шартнома баҳосини қўшимча қиймат солиғи билан – **81 420 000** (Саксон бир миллион тўрт юз йигирма минг) сўмга тенг деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

«БУЮРТМАЧИ»



Бухоро вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи
хизмат инжиниринг компанияси

Ф.Жаллиев

«ИШ БАЖАРУВЧИ»



«Узжамоалойиха» МЧЖ

Б.Б. Негматиллаев

2022 йил 15 апрелдаги
№3 - сонли шартномага З-илова

ЛОЙИХА ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ СМЕТАСИ

Лойиха ишларининг номи: «Когон туман Соргун МФЙ худудидаги 7-мактаб филиалини реконструкция қилиш орқали 240 ўринли янги мактаб биносини ва 9x18 янги спорт зал қуриш» обьекти бўйича лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни ўз зиммасига олади.

Буюртмачи: Бухоро вилоят ҳокимлиги хузуридаги Ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси

Бажарувчи: «Узжамоалойиха» МСНД

Объектнинг номи	Хисоблаш	Нархнинг умумий ҳисоби
<p><u>«Когон туман Соргун МФЙ худудидаги 7-мактаб филиалини реконструкция қилиш орқали 240 ўринли янги мактаб биносини ва 9x18 янги спорт зал қуриш»</u> обьекти бўйича лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни ўз зиммасига олади.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2019 йил 9 сентябрдаги «Лойиха-тадқиқот ишларининг қиймати аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида»ги 3180-сонли буйруғига асосан обьектнинг мураккаблик 2 тоифасига киради.</p> <p>Курилишнинг тахминий даражаси, мураккаблик даражасига қараб, ўртача 3,6 % ни ташкил этади.</p> <p>Хисоблаш учун 1,72 % кабул киламиз.</p>	$4\,111\,000\,000 \times 1,72\% = 70\,800\,000$
<u>4 111 000 000</u> сўм ККСиз		70 800 000
<u>ККС 15 %</u>		10 620 000
<u>Жами:</u>		81 420 000

Нархи сўз билан: 81 420 000 (Саксон бир миллион тўрт юз йигирма минг) сўм ККС билан.

«Узжамоалойиха» МСНД
директори:



Б.Б.Негматиллаев